

## СЎЗ ВА МУСИҚА

*Жаҳонгир Ёркулов*

**Аннотация.** Мақолада сўз ва мусиқа уйғунлиги масаласи ўрганилиб, композитор, бастакор, шоир ва ёзувчиларнинг ҳаммуалифлик ижодиёти ҳамда ўзбек шеъриятининг буюк намоёндалари томонидан санъатлараро азалий кадриятлар очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Мусиқа, сўз, наво, шоир, ёзувчи, композитор, бастакор, оҳанг, уйғунлик.

**Аннотация.** В статье рассматривается проблема взаимосвязи музыки и слова, тандемное творчество композиторов, бастакоров, поэтов и писателей, а также взгляды представителей узбекской классической поэзии на ценности в синтезе искусств.

**Ключевые слова:** музыка, слово, мелодия, поэт, писатель, композитор, бастакор, интонация, гармоническое единство

**Annotation.** The article examines the issue of compatibility of words and music. The inter-artistic creativity of composers, melodists, poets and writers, as well as the views of representatives of Uzbek classical poetry on values in the synthesis of arts.

**Key words:** music, word, melody, poet, writer, composer, bastakor, intonation, harmony

Қадимдан сўз ва мусиқа ёнма-ён келган. Ҳар замонларда ҳам бу икки ижод махсуллари айланиб ўтириш камдан-кам учрайдиган ҳолатдир. Биз бу борада буюк бобомиз, шеърият мулкининг султони Алишер Навоийнинг ўз ижоди ва ўша замондаги қалам соҳибларининг ҳам мусиқа билан шеъриятнинг уйғунлаштириб келганлигидан бохабармиз. Ахир Навоий бобомиз бежизга “Наво” сўзини асос қилиб Навоий дея тахаллус қўймадиларку. Ҳазрат айтадики: *“Навосиз улуснинг навобахши бўл, Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл”*. У зотнинг энг йирик асарларини кўп жойларида ҳам мусиқа атмаси учраб келадиган ҳолатларга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Айтайлик, “Ҳазоин ул-маъоний”, “Мажолис ун-нафоис”, “Ҳолати пахлавон Муҳаммад”, “Маҳбуб ул-кулб” ва бошқа шу каби асарларида мусиқа билан боғлиқ ҳолатлар сўзда учраган.

Ҳазрат Навоийнинг умр сўнгида ёзган энг охириги асари “Маҳбуб ул-кулб” (қалблар маҳбуби ёхуд кўнгиллар таржимаси)да мусиқа сўз мулкига доир “Мутриб ва муғаннийлар” тўғрисидаги фикрларида шундай деб ёзади: “Шодлик оширувчи хонанда: ғамни тарқатувчи созанда – буларнинг ҳар иккисига ҳиссиётга берилган кишилар ва аҳли дардлар жон фидо қиладилар. Модомики, улар мулойим тарона билан куйлар эканлар, эшитувчининг нақд ҳаёти унга фидо бўлса не ғам? Ахир, кўнгил хуш оҳангидан қувват, руҳ эса хуш овоздан озиқ олади. Ёқимли овозу маҳорат билан куйлайдиган хонандадан дард аҳлининг ўртасида қиёмат кўтарилади. Ҳар бир созанданинг куйи дардлироқ ижро этилса, унинг чертиши дардли юракка қаттиқроқ таъсир

қилади. Очiq чехрали хонанда ёқимли овоз билан куйласа, дардли одамнинг куйган бағридан тутун чиқаради. Фаҳм-фаросатли созанданинг ёқимли ижроси ҳатто бағритош одамни ҳам мафтун қилади. Хусусан, ўзи чалиб, ўзи куйласа, кўнгил мулкига кўзгалон солади”. Қарангки, бундан 500 йил аввал айтилган фикрлар бугун ҳам ўз кучида тўлақонли турибти. Ҳазрат Навоий ушбу қарашларида ҳам хонанда, ҳам созанданинг улус аҳлига таъсири ҳақида сўз олиб борган. Ва яна алоҳида айтмоқдаки, ўзи чалиб, ўзи куйласа нур-устига аъло нур. Демокчики, сўз ва соз бир юракдан чиқса мукамалроқ бўлади.

Ўзбек муסיқашунос олими, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Тўхтасинк Ғофурбековнинг илмий тадқиқотларда Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг сўз ва наво ҳақидаги ушбу сатрларига эътибор қаратар эканмиз бу борада икки буюк шоиримизнинг мавзуга доир яхшигина ўхшатма қилган фикрларига гувоҳ бўла оламиз.

“Шоир тафаккури дурдоналари билан танишган ҳар бир зукко олим, хусусан, биз, муסיқа илми аҳлини ҳайратга солувчи яна бир мўжиза – Лутфий, айниқса, Навоий шеъриятига хос назмий-муסיқий баёнлар, ўхшатма ва хулосалардир. Жумладан, агар ҳазрат Навоий:

“Сўзда Навоий, не десанг чин дегил, **Рост наво** нағмада таҳсил дегил” дея даъват қилган бўлсалар<sup>1</sup>;

Бобур: “Бобур, ул гул кўйида булбул каби топдинг **мақом**, Бир Навоий **рост** қил, мундоқ **мақоминг** борида” – деб жавоб қайтаргандай туюлади;<sup>2</sup>

Ёки Навоий: “**Муғанний**, Навоий фиғонин эшит, Ки созинг аро зер ила **бомда йўк**”, - деса;<sup>3</sup>

Бобур: “Тортиб афғон, оҳ уриб хижронда, Бобур, йиғласанг, Навҳа тузгай, базми ғам аҳли бу **зеру бам** била” – дейди;

Ниҳоят Навоийнинг “Мезон ул-авзон”ларида: “Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр. Ким дамидан тушди ўт жоним аро ёр-ёр”<sup>4</sup> – каби мисралари ва буларнинг эҳтиросли таърифини ўқисак;

Бобур Мирзонинг аруз илмига доир “Муфассал”ларида: “Мунча жафо жонима, чоғломадим (ёр-ёр). Душман эмиш дўстлар, англомадим (ёр-ёр)”<sup>5</sup> (Т.Ғ.)

Юқорида гувоҳи бўлганимиз, икки буюк шоиримизнинг ҳам сўзга, ҳам навога нисбатан муҳаббати тенг бўлганлигини кўришимиз қийин эмас. Бунда сўз ва наво ҳамоҳанг, бир-бирига жуда яқин эканлигига ишора бўлган дея фикр билдиришимиз ҳам ўринлидир. Чунки, Навоий ҳам, Бобур ҳам сўзда навони улуғлаб, наво билан ўзини айро кўрмоқни истамаяпти, демак.

<sup>1</sup> Ғофурбеков Т. “Бастакорлик ижодиёти: тарихи, таҳлили, тақдири” – Т.: 2019. – Б.134

<sup>2</sup> Ўша манба

<sup>3</sup> Шу ерда

<sup>4</sup> Ғофурбеков Т. “Бастакорлик ижодиёти: тарихи, таҳлили, тақдири” – Т.: 2019 – Б.135

<sup>5</sup> Ўша манба

Энг қадимги манбаларда, жумладан, XI асрнинг машҳур асари бўлмиш “Қобуснома”да ҳам, унинг 36 бобида, сўз билан навонинг яна бир боғлиқлик томонлари ҳақида Кайкавус томонидан шундай фикрлар келтирилади: “Эй<sup>6</sup> фарзанд, агар хофиз бўлсанг, хушфеъл, қувноқ бўл, ҳамиша пок, мутайяб (хушрўй) ва хушзабон бўлғил ва ўз ишингга машғул бўлғил, ярамас хулқ қўпол башара бўлмағил. Ҳамма вақт оғир йўлларни черимағил, чунки барча машқ ва оҳангни бир хилда чертиш шарт эрмасдур, таъблари ҳам бир-бирига мувофиқ эрмас, яъни халқ мухталифдурлар (ҳар хил) шу вақдин бу фаннинг устодлари санъатга шундоқ тартиб бермишларки, уни икки суруд (ашула, кўшиқ) била айтса бўлур ва унга оғир йўл деб от қўймишлар. Бу йўл қариларнинг ва хирадмандларнинг таъбига мос келмиш эрди ва бул йўлни мазкур қавм учун туздилар. Ундин сўнг эрса кўрдиларки, халқнинг барчаси қарилар ва хирадмандлар эрмасдурлар. Шундин кейин лоҷарам йигитлар учун бир йўл тузатдилар. Ундин кейин енгилроқ вазнлик шеърлар учун енгил йўллар тузиб уларга хафиф (вазни енгил) деб от қўйдилар, оғир йўлдан сўнг бу хафиф йўлни чертдилар. Мутриблар қарилар ҳам, йигитлар ҳам ундан баҳраманд бўлсинлар, дедилар. Ундин кейин ёш ўғлонлар ва латиф таъб одамларнинг баъзилари бебаҳра қолдилар. Мазкур қавм учун тарона айтмоқни пайдо қилдилар, токи мазкур қавм ҳам баҳра ва роҳат топғайлар, чунки барча вазнларнинг орасида таронадин латифроқ вазн йўқдир... Шеър ва ғазални кўп ёд билғил ва ҳар турли шеър ёзишни ўзингга лозим билғил. Ҳар вақтнинг ўзига муносиб ғазалларни ўқиғил: баҳорда хазонга муносиб, хазонда баҳорга муносиб, қишда ёзга муносиб, ёзда қишга муносиб ғазалларни ўқимағил”<sup>7</sup>. Кўришиб турибдики, Кайкавуснинг юқоридаги ўткир фикрларини ҳам шеър, ҳам мусиқа дунёсининг ўзаро боғлаб берилган ҳолати юзасидан насиҳати дея қабул этиш жоиздир.

Замонавий композиторлик ижодиётида яратилаётган муסיқий асарлар ва адабиёт ўртасидаги муносабатлар муסיқашуносликдаги энг катта, мураккаб ва ниҳоят қизиқарли мавзулардан биридир. Ушбу санъат турларинининг чегаралари ёпиқ эмас. Адабиёт ўзини ниҳоясини муסיқада изласа, муסיқа ўзининг мантиқий давомини сўз ифодасида топади. Ёзувчи – шоир муסיқанинг чуқур ифодавийлиги ва мазмунини очиб беришга кўмаклашса, композитор ва созанда шоирнинг шеър ва наср образларини янада аниқроқ очиб беришга кўмаклашади.

Ушбу икки санъат турининг сюжетлари, мавзулари, тасвирлари умумий манбаага эга – бу бизни кўршаб турган ҳақиқий ҳаётдир, шунинг учун биз муסיқа ва адабиёт ўртасида жуда кўп умумий нарсаларни кўрмоқдамиз, гарчи ушбу санъат турларининг ҳар бирида бу умумийлик ҳар хил усуллар, турли шакллар ва турли хил услубларда ифодаланган бўлса ҳам тингловчиларга таъсир қилади.

<sup>6</sup> Кайкавус “Қобуснома” – Т; 2011 – Б. 148-151

<sup>7</sup> Ўша манба

Ушбу санъатнинг умумий асоси унинг интонациясидадир. Биз турли хил интонацияларни – дилкаш, қайғули, хотиржам, ҳаяжонли, тантанали, улуғвор ҳам адабий ҳам муסיқий нутқда эшита оламиз.

Муסיқий синтаксис бу борада шеърий санъатдан кўп нарсани ўрганган. Агар сиз муסיқий асарнинг товушини диққат билан тингласангиз унда – ибора ва жумлаларни, ундовлар ва оҳангларни ажрата оласиз. Буларнинг барчаси инсон нутқининг бир яхлит қисмидир.

Муסיқий иборалар шеърда бўлгани каби бир-бири билан қофиялашади, сўнгра муסיқа оқими харакатида муסיқий ритмик матнда ўз ифодасини топади. Адабиёт ва шеърият кўплаб муסיқий вокал асарларининг асосига айланади. Сўз ва муסיқа бирлигида, кўшиқ, романс, сахнавий вокал жанрлар – кантата, оратория, опера, оперетта, юзага келди. Кўплаб шеърий асарлар бастакорлар томонидан ўз табиатини йўқотмаган ҳолда муסיқий жанрларда ифодасини топди. Лирик шеърлар кўпинча кўшиқлар, романсларнинг пойдеворидир.

Дарҳақиқат, инсон нутқи ва муסיқий тил ўзининг табиатида ўхшаш шакл тузилиш жиҳатлари билан эътиборга молик. Жумладан, товуш-харф, субмотив-бўғин, мотив-сўз каби шеърий мисра ва муסיқий жумлалар яратилиб дунёга келади. Нутқ муסיқа каби ритм, темп, динамик кучи, ўз оҳангига эга. Ҳар бир муסיқий ва нутқий жумлаларда ўзининг юқори ривож чўққиси-авжи мавжуд. Муסיқада паузлар тиниш белгилар вазифасини бажаради.

Яхлит ва ёрқин бадий образлар яратиш учун оғзаки ва муסיқий нутқни саводли тузиб шакллантириш лозим. Унинг асосида бир бирига қарама-қарши харакатлар бўлиб, бири уни майда бўлақларга парчаласа (бўғин, сўз, ибора, жумла ва б.), иккинчиси, аксинча яхлит тузилмага бирлаштиради.

Шундай қилиб ибора (кенг маънода) муסיқий ёки насрий матнни чуқур, ёрқин, мазмунли, мантиқан аниқ ифодалаш санъатини намоён этади.

Бўғинлар ва сўзлар нутқ ичида, товушлар, аккодлар, оҳанглар орқали муסיқада уларни идрок этиш борасида бир ҳил кучга эга. Айримларининг моҳияти биринчи ўринда туриб асарнинг кўтаринкилиги ва аҳамиятлигини очиб берса, ўзгалари, нисбатан бўлиб ёрдамчи вазифани бажариб боради. Нутқни ташкил этган ҳар бир сўз, ибора ва жумлалар кесимида ўзининг урғули, мазмун аҳамиятини белгилаб берувчи сўзлари бўлиб, асосий фикрни ойдинлаштириб беришга ҳизмат қилади. Муסיқий нутқда ҳам ўхшаш жиҳатлар кўп. Муסיқий баёнотнинг тўлқини ичида бўлиниш ва бирлаштириш жиҳатлари билан эътиборли. Шундай қилиб, муסיқий матн иборали тўлқинлар каби кўз олдимизда гавдаланади. Тўлқин таркибида уни жойлашуви, бошқа кичик элементлари билан бўлган муносабати улуроқ иборали тўлқиннинг турланиши ва ифодавий хусусияти ўзгаради.

Муסיқий идрок – бу том маънода муסיқий таркибни эшитиш, ҳис қилиш қобилятига асосланган мураккаб ижодий жараёндир. Муסיқий товушлар жаранги орқали асарда турли хил образларни алмашуви, ўзаро бир бирига таъсир қилишлари, кучайиши ва сусайиб бориши, қарама-қарши тапафдан бир

бирига таққосланиши, динамик ривож топиши ёки аксинча статик ҳолатда бўлиши, ҳаракат ва тинчлик каби вақт давомида ёритулувчи мусиқий жараён сифатида қабул қилинади. Айнан мана шу жараён ривожидида турли ғоявий қарашларни очиб беришга имкони юзага келади. Мусиқани таъсир этиш кучи ошади ва бу борада мусиқани идрок қилиш – ҳақиқий ижод жараёнига айланади.

Мусиқа ва сўз ўртасида шаклланган муносабатини ёритишда асрнинг ижодкор шахслари бўлмиш шоир ва бастакорлари, адиби ва композиторлари орасида ҳамкорлик ёки ижодий жараён орқали юзага келувчи алоқалар ҳақида ҳам алоҳида тўхтаб ўтиш лозим.

Маълум ҳолларда мусиқа композитор ва бастакорлар томонидан тайёр матнга солинади ва мусиқий талқини орқали ўзини янги саҳнавий ҳаётини кўриши мумкин. Айрим ҳолларда басталанган тайёр мусиқий асар шоирни илҳомлантириб, шу мусиқада сирланган образлар ва ғояларни нутқининг кучли воситалари орқали очиб беришга ундайди. Баъзида шоирнинг ўзи асарни мусиқий ифодасини таклиф қилади, бу борада мусиқий талқинчи уни ўз ифода воситалари билан иллюстрация қилиш билан чекланади.

Ижодкор бажарадиган асосий вазифа – унинг фикрлари ва ҳис-туйғуларини рамзий шаклга солиб (нота, сўзлар), унинг ҳаётий тажрибасига таянган ҳолда дунёга бўлган муносабатини акс этувчи сўз ёки мусиқий белгилар орқали уни ифода этиш ҳисобланади. Бу борада сўз билан ишлаб келувчи бастакор ёки композиторнинг маҳорати ва истеъдоди, нафақат тасвирнинг бадиий жиҳатдан қимматли таркибини акс этиш, балки, ушбу таркибга мос шакл ва ифода воситаларни топиш қобилиятига асосланади.

Бастакор ўзи тасвирлаган қаҳрамонлар ҳаётига кириши, ўз нуқтаи назари ва шу билан бирга дунёга шоир кўзлари ва нигоҳи билан қараш қобилиятига эга бўлиши керак. Шу билан бирга берилган оғзаки матннинг мажозий таркибини кучайтириш, сўзлар ва мусиқани синтезига эришиш истаги бастакор ёки композиторни баъзида асосий шеърий матнга ўзгаришлар киритилишига ундайди. Насрий асар ўзининг ички, ёзувчи услубига ҳос булган “мусиқийлик” жиҳатига эга бўлар экан, бу томони унинг асарини мусиқий талқинида ифода этишга жазм қилган композитор ва бастакорнинг услубига ҳамоҳанг бўлиши даркор. Айни шу жиҳат фикримизча айрим шоирларнинг асарлари мусиқа ижодида кам ёки аксинча кўп мурожаат қилинишининг сабабларидан бири. Шоирларнинг ёрқин бадиий насрий бисоти, бадиий асарларнинг қизиқарли ва илҳомлантирувчи сюжети, динамик фабуласи, қаҳрамонлар ўртасидаги зиддият ва интрига, топилмаларга бой воқеяликлар ва бетакор сюжет образлари композиторларни илҳомлантириб, шу асосда янги вокал, камер ва сўз билан боғлиқ бўлган мусиқий-саҳнавий жанрларни яратилишига ундайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Гофурбеков Т. “Бастакорлик ижодиёти: тарихи, таҳлили, тақдири” – Т.: 2019 –

2. Кайкавус “Қобуснома” – Т; 2011 –
3. Гофурбеков Т. “Муסיқа – менинг борлиғим” – Т.:2015.
4. Бегматов С. “Навий ва муסיқа” //classicmusic.uz интернет сайти “Ўзбекистон мумтоз муסיқаси” саҳифасидан.
5. Каримова. З. – “Изд-во лит. и искусства”,Т.: 1988.